



## ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Нематова Дилфузә Туланбоевна,

Ўзбекистон Миллий Университети катта ўқитувчиси

e-mail: [dilfuzanematova58@gmail.com](mailto:dilfuzanematova58@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнлари ўрганилган ва айрим социологик таҳлиллари мисол тариқасида ёритилган. Унда мамлакатимиз ҳудудларида 2020-2021 йилларда бандлик, таълим, тиббиёт, ижтимоий таъминот, банк бошқармалари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари ўртасида экспертлик сўровининг таҳлили ёриталган.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳаёт, социал омил, маълумотлилил даражаси, камбағал қатлам.

Бугунги кунда мамлакатимизда камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллардан бири аҳолининг маълумотлилил даражасидир. Аҳолини камбағаллик чегарасига яқинлаштирумаслик учун аҳолига турли даражадаги таълим бериш ва уларда касбий кўнкимларни шакллантириш муҳим ҳисобланада. Аҳолининг маълумотлилил даражаси ва тўлиқ касбий кўнкиммага эга бўлиши аҳолини фаровон ҳаётга интилиши ва ҳаракатчанглигини аниқлаш учун респондентларнинг маълумотлилил даражаси ва касбий тайёрғаликка эга эканлигига ўzlari томонидан берилган баҳоларни таҳлил қилишга йўл очади.

Аҳолини фаровон ҳаётда яшаш келажакдаги режаларини аниқлаш учун маълумот даражаси бўйича тадқиқотимизда респондентлар танлаб олинди. Сўровда умумий ўрта таълим (мактаб) даражасидаги маълумотлилар 126 нафар 10,5%, ўрта маҳсус маълумотлилар 483 нафар 40,3%, олий маълумотлилар (баклавр) 320 нафар 26,6%, олий маълумотлилар (магистр) 124 нафар 10,4% илмий даража ва илмий унвонлилар 82 нафар 6,8%, хунармандлар 50 нафар 4,2%, турли сабабларга кўра умуман таълим олмаган 15 нфар 1,2% респондентлар иштирок этди.


Респондентларнинг берган жавобларига қараганда, аёллар ва эркаклар ўртасида маълумоти жиҳатидан катта фарқни кўрсатмасада, Ўзбекистонда энг кўп камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли бор шахслар – ўрта маҳсус маълумотга эга бўлгандир. Улар 40,3%ни ташкил қилиб, жамиятда фаровон ҳаётга эришиш имкониятлари бошқаларга қараганда камроқ эканлигини кўрсатмоқда. Олий маълумотли шахсларнинг 26,7%и камбағалликка мойиллиги борлиги эса олий таълим муассасаларида сифатли таълим олмаганиклари сабабли улар факт дипломли бўлишган. Аммо яхши мутахассис бўла олмаганиклари сабабли олий маълумотлилар ўрта маҳсус маълумотлилардан кейин иккинчи ўринда туришини айтиш мумкин.

Респондентларнинг ижтимоий ҳаётда ўз социал мақомларига берган баҳоларини таҳлил қиласиган бўлсак, умумий ҳисобда 50,4% респондент ўзларини камбағал ёки кам таъминланган эҳтиёжманд деб ҳисоблади. 2,1% респондент ногиронлиги туфайли камбағалликка тушган деб ҳисобласалар, 15% респондент пенсионерлиги туфайли ўзига камбағал деб баҳо берган. Доимий иш жойига эга бўлган ва умуман иш билан банд бўлмаганлар 9,6%ни ташкил қилган. Ишсизлик туфайли камбағаллик чегарасига келиб қолганлар учун иш билан банд бўлиш аҳамияти юқори эмаслиги иш билан банд

бўлишга турткি берувчи омилларни кучизлантираётганини кўриш мумкин. Аёллар ва эркаклар ўртасидаги социал мақом ўртасида катта тафовут борлиги аёллар ўртасида камбағалликка тушиб эҳтимоли кўпроқ эканини кўрсатмоқда. (1-диаграмма)

1-диаграмма

Сиз ҳаётдаги ижтимоий мақомингиз қандай деб биласиз? Деган саволга респондентларнинг жавоблари (%хисобида)




Камбағалликни келтириб чиқарувчи социал омиллардан бири сифатида турмуш ўртоғининг социал моқоми ҳам аҳамиятли хисобланади. Оилада эр ёки хотиннинг социал моқоми бир биридан катта фарқ қилиши нафақат ойлда келишмовчиликларни балки, улар ўртасидаги ижтимоий фарқ уларни умумий камбағалликдан чиқишига тўсқинлик қиласди. Респондентларга турмуш ўртоғингизни социал мақомини қандай баҳолайсиз деган саволга аёлларнинг 32,9%и ўз турмуш ўртоғларини камбағал деб тавсифлаган бўлсалар эркакларнинг 16,9%и ўз турмуш ўртоғини камбағал деб тавсифлаган. Демак, эркакларга нисбатан аёлларнинг бир мунча камбағал эмаслигини билдиради. Шунингдек, кам таъминланган ва эҳтиёжданд деб тавсифлаш аёлларга нисбатан эркакларга кўпроқ берилганини кўриш мумкин. (2-диаграмма).

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга доир ишлар 2017 йилдан бошланган ишлар бошланган бўлсада бу борадаги ишлар 2020 йилдан фаол фазага кириб давлат томонидан аниқ чора тадбирлар амалга ошириб борилмоқда. Шу сабабли биз, респондентларга Ўтган 5 йил давомида ойлангизнинг моддий ва мулкий ҳолатида қандай ўзгаришлар кузатилди? деган саволга берилган жавобларнинг таҳлил қилинганда 510 нафар 42,0% респондентлар охирги 5 йилда уларнинг молиявий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолати сезиларли даражада яхшиланганлигини кўрсатади. 308 нафар 26% респондентнинг моддий ва мулкий ҳолати оз бўлсада, ўзгариш бўлганлигини билдирганлар. 382 нафар 32,0% респондентлар саволларга ижобий жавоб бермаганлар ва моддий ва мулкий ҳолатида ижобий ўзгаришлар бўлмади деб жавоб берганлар.

2-диаграмма

Турмуш ўртоғингизни ижтимоий мақомини қандай деб биласиз? деган саволга респондентларнинг жавоблари (%хисобида)




Респондентларнинг жавоблари эксперталар (вилоят банк бошқармалари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари)га берилган саволларга берилган жавоблар билан мувофиқлик даражаси 84%ни ташкил қилди. (3-диаграмма)

Респондентларга ҳозирги вақтда сизнинг ҳаётингизда ва оиласиз ҳаётида қандай омиллар кўпроқ камбағалликни келтириб чиқаради деган саволга респондентларнинг ишлайдиган қисми яъни 515 нафари 42,9%и пулллик кам иш ҳақи ва ишлаб турган ишни йўқотиш хавфи ҳанузгача сақланиб турганини эътироф этишган. 205 нафар 17,0% пенсионерлар ва ногиронлиги бор шахсларларнинг соғлиқдаги муаммолар, қийинчиликлар камбағалликни келтириб чиқаришини, 363 нафар 30,2% респондент уйжой муаммоси камбағалликни сабаби сифатида кўрсатганлар. Шунингдек, Респондентларнинг 44,8%и болаларга муносиб озиқ-овқат ва таълим бериш имкониятининг йўқлиги, алкоголизм, оила аъзосининг девиант хулқ-атворидаги қийинчиликлар, фаровон ҳаёт истиқболининг йўқлиги ва муносиб дам олиш учун бўш вақтнинг ва имкониятнинг йўқлиги ҳам камбағалликни келтириб чиқарувчи сабаблар деб таъкидлаганлар.

### 3-диаграмма

Ўтган 5 йил давомида оиласизнинг моддий ва мулкий ҳолатида қандай ўзгаришлар кузатилди? саволига респондентларнинг жавоблари (%хисобида)



Респондентларга сизнинг ҳаётингиз ҳозирги пайтда аҳолининг кўпчилигидан қандай фарқ қилишига баҳо беринг деб мурожаат қилинганда, респондентларнинг 82,8% овқатланиш сифати 3 дан 1 баҳо билан, 66,7% оёқ кийим ва кийим сифати 3 дан 2 баҳо билан, 71,2%и қарзсиз асосий эҳтиёжларни қондириш қобилиятини 3 дан 1 баҳо билан, 66,0%и уй-жой шароитларини 3 дан 2 баҳо билан, 71,2 %и сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини 3 дан 2 баҳо билан, 69,2%и дам олиш имкониятларини 3 дан 3 баҳо билан, 81,4%и сифатли таълим олиш имкониятини 3 дан 1 баҳо билан, 77,6%и болалар учун яхши ҳаёт бошланиш нуқтасини бериш имкониятини 3 дан 2 баҳо билан, 91,2%и жамиятда юқори мавқега эришиш имкониятини 3 дан 3 баҳо билан ва 69,4%и фаол маданий ҳаёт кечириш имконияти (кинога бориш театрлар, қўргазмалар, журналлар, китоблар сотиб олиш)ни 3 дан 2 баҳо билан баҳолаганлар.

Социологик сўров якунида респондентларга сиз ўзингизни камбағал деб ҳисоблайсизми деб савол берилганда, 75% респондент йўқ, мени имкониятларим кам булса-да камбағал эмасман, 71% респондент йўқ, мен кам таъминланган одамман, аммо камбағал эмасман ёки йўқ, мен кам даромадли одамман деб жавоб беришган. Респондентларнинг 21%и ҳа, мен камбағал одамман деб жавоб беришган. Шунингдек, респондентларга яна камбағалликдан чиққандан сўнг яна камбағал бўлишингиз эҳтимоли бор ёки йўқлигига доир савол берилганда, уларнинг деярли 94% агар камбағалликдан чиқсан яна камбағалликка тушиш эҳтимоли йўқ деб жавоб беришган. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнларининг социологик таҳлили бўйича қўйидагича хулоса қилиш мумкин: Биринчидан, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда жамиятдаги ижтимоий жараёнларни социологик тадқиқотлар билан ўрганилганда, жамиятда камбағалликни келиб чиқишига сабаб бўлувчи социал омилларни ва барча учун маълум бўлмаган яширин ижтимоий муаммоларни аниқлаш мумкин. Иккинчидан, социолгик тадқиқотлар орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш билан бирга аҳолининг камбағал қатлами ҳисобланган аҳоли орасида камбағалликдан чиқиши йўлларини борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш мумкин. Учинчидан, социологик тадқиқотда анкета сўровини ўтказгандан сўнг респондентларнинг жавобларини текишириш мақсадида экспертилк сўровини ўтказиши олинган маълумотларни ишончлилигини янада ошириши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Poor Law in Elizabethan England URL: <https://www.elizabethan-era.org.uk/the-poor-law.htm>
2. Population Growth in the Age of Peel. URL: <http://www.historyhome.co.uk/peel/social/pop.htm>
3. 3. The 1662 Settlement Act. URL: <https://victorianweb.org/history/poorlaw/settle.html>
4. The Poor Law Amendment ct,1834. URL:<http://www.historyhome.co.uk/peel/poorlaw/poorlaw.htm>